



**O'zbekiston Milliy axborot agentligi**  
**O'zA Ilm-fan bo'limi**

Elektron jurnal  
2023-yil sentyabr soni №09 (47)

Toshkent-2023

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр  
2023 йил сентябрь оyi сони №09 (47)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

## Тахрир кенгаши

А.Кўчимов  
А.Асқаров  
Д.Ю.Юсупова  
А.Х.Саидов  
Т.Ў.Арипова  
Қ.Р.Аллаев  
С.М.Туробжонов  
Ш.Т.Қудратхўжа  
Н.А.Ҳусанов  
Н.К.Ачилов

Қ.Ш.Омонов  
А.С.Сагдуллаев  
С.С.Фуломов  
Ф.Г.Назиров  
Р.Д.Курбанов  
М.Ҳ.Рустамбоев  
Н.М.Маҳмудов  
И.С.Саифназаров  
Н.Х.Обломуродов  
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ РЕЖАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**Анвар Қаноатович ШИРИНОВ**

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда инсон тараққиёти режаларини амалга оширишдаги ислохотларнинг ривожланиш динамикаси таҳлил этилиб, унда мамлакатимизда инсон капиталини устувор мақсадга айлантириш “Саломатлик-3” лойиҳаси, шунингдек, “Ягона дарча” (One window) марказларининг фаолияти мисолида кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** инсон тараққиёти, “Саломатлик-3”, конвенция, таълим, ахборот технологиялари, ислохотлар, электрон таълим, жамғармалар.

## РЕФОРМЫ В РЕАЛИЗАЦИИ ПРОГРАММ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Анвар Қаноатович ШИРИНОВ**

доктор философии (PhD) по философским наукам

Бухарский госудаоственный университет

Бухара, Узбекистан

### Аннотация

В статье анализируется динамика развития реформ в сфере реализации программ по человеческому развитию в Узбекистане, в которой трансформация человеческого капитала в приоритетную цель в нашей стране рассматривается на примере проекта «Здоровье-3», а также деятельности центров «Одно окно».

**Ключевые слова:** человеческое развитие, “Здоровье-3”, конвенция, учение, информационные технологии, реформы, электронное образование, фонды.

Инсон тараққиётининг муҳим шартларидан бўлган муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)га 1992 йил март ойида аъзо бўлиб, ҳозиргача ташкилотнинг 19 конвенциясини ратификация қилган. ХМТ билан ҳамкорликда 2017—2020 йилларда Ўзбекистонда Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури амалга оширилди. Булар қаторига “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида” 1957 йилги 105-сонли конвенция, “Меҳнатдаги минимум ёш тўғрисида” 1973 йилги 138-сонли конвенция, “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида” 1999 йилги 182-сонли конвенцияларни киритиш мумкин. Мазкур конвенцияларни имплементация қилишда вазирликлар, ишчилар ва иш берувчиларни қамраб олган идоралараро комиссия фаолият кўрсатади. “Ишчиларнинг вакиллари тўғрисида” (1971

йилги 135-сонли), “Жамоа шартномалари тўғрисида” (1981 йилги 154-сонли), “Халқаро меҳнат ташкилотининг ишчиларни иш жойида ҳаво ифлосланиши, шовқин ва тебраниш туфайли вужудга келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоялаш тўғрисида” (1977 йилги 148-сонли)ги конвенциялар инсон тараққиётини жадаллаштириш учун қабул қилинган. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни бартараф этишда катта натижаларга эришди [1, 71]. 2017 йилда Ўзбекистон Сенатининг қафолатланган меҳнат ҳуқуқлари бўйича комиссияси ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича “Саломатлик-1”, “Саломатлик-2” лойиҳалари яқунланди. “Саломатлик-1” лойиҳасига кўра барча вилоятлардаги ҚВП замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланиб, оилавий поликлиникаларга айлантирилди. “Саломатлик-2” лойиҳаси бўйича мамлакатимиз бюджети томонидан 70 миллион АҚШ доллари ва Жаҳон банкининг 40 миллион АҚШ доллари соғлиқни сақлаш ислоҳотларини чуқурлаштиришга қаратилди. Лойиҳа асосида 2200 та ҚВПлар қурилди, таъмирланиб, замонавий лаборатория ва ташхис ускуналари билан қайта жиҳозланди. “Саломатлик-3” лойиҳаси Жаҳон банки ва Ислом тараққиёти банки иштирокида Саломатлик-3 лойиҳасини амалга ошириш марказий бюроси томонидан амалга оширилмоқда.

Унга кўра 2012-2015 йилларда 11,5 миллиард сўм ва 5,98 миллион АҚШ доллари соғлиқни сақлаш борасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва аҳолига тез, кечиктириб бўлмайдиган ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, шунингдек, 55,7 миллиард сўм ва 38,0 миллион АҚШ доллари саратон касали бўйича профилактика, барвақт ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилди [2, 16-20]. Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида 54 та туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш назарда тутилган [2]. Аҳоли саломатлигини яхшилашда аҳолининг микронутриентлар етишмовчилиги билан боғлиқ хасталикларининг олдини олиш ва камайтириш, оилаларда соғлом овқатланиш маданияти, кўникмаларини шакллантириш ишлари “Ўздонмаҳсулот” АК, ош тузи ишлаб чиқариш корхоналари маблағлари асосида амалга оширилмоқда. “Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида минтақаларда “Соғломлаштириш” ҳафталиклари ўтказилди. Бунда хорижий шериклар билан ҳамкорликда ЕИ, ЮНИСЕФ, KfW, ОИТС сил ва безгакка қарши курашиш глобал фонди, КЭС каби халқаро ташкилот ва жамғармалар фаол кўмаклашмоқда.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA), Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ), соғлиқни сақлаш, соғлом оила ва соғлом турмуш турзини ривожлантириш мақсадида “Соғлом она – соғлом бола” миллий модели яратилиб, у жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сабаб бўлди. Келажак авлод саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича “ўзбек модели”нинг ўзига хос жиҳатларидандир. “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси нодавлат ташкилотининг 1993 йил 23 апрелда ташкил топишини дастлабки ислоҳот натижаси деса бўлади. Республиканинг олис, бориш қийин бўлган туманлари аҳолисига тиббий-ижтимоий патронаж тизимини яратиш “Саломатлик” поездларини ташкил этиш мураккаб тиббий операцияларга муҳтож болаларни етакчи хорижий клиникаларга даволатишга жўнатилмоқда, спорт мусобақалари ташкил қилинмоқда. Ислоҳотлардан бири сифатида ҳар йилнинг июнь ойида 5 ёшгача бўлган болаларни

камраган тиббий препаратлар билан таъминлаш борасида “Соғлом бола ҳафталиги” ўтказилади. Барча вилоятлар ва туманларда 2023 йилдан бошлаб “Саломатлик сайллари ўтказилмоқда” Бир неча йиллардан буён мамлакатимизда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” акцияси ўтказилиб, мамлакатимизнинг етакчи клиникалари мутахассислари томонидан барча вилоят ва туманлардаги қариялар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга малакали тиббий хизматлар ва консултациялар берилди.

Мамлакатимизда ҳозирга қадар инсон саломатлигини таъминлашга оид 500 та қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Мамлакатимиз бюджетнинг 60 фоизи таълим, соғлиқни сақлашга қаратилган. Атроф-муҳитга оид 30 та қонун ва 150 меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд... Ўзбекистонда ўрта таълим 10000 дан зиёд мактабда олиб борилиб, бунинг натижасида юксак саводлилик даражасига эришилган [3]. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” асосида 2006-2022 йилларда 10289 мактабда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. “Мактаб таълимини ривожлантириш дастури” доирасида қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганлигини мамлакатимизда таълим борасидаги ислохотлар ўз самарасини бераётганлигини кўрсатмоқда. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда 2022 йилнинг 1 апрелидан бошлаб мактабларда 1–4-синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш тизими жорий этилди.

Таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажми тобора ортиб бормоқда. Ўтган даврда бу ёрдам 500 миллион АҚШ долларидан ошди. Осиё Тараққиёт Банкнинг 290 миллион доллар маблағи, Жаҳон банкнинг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислон тараққиёт банкнинг 42 миллион, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Германия «КвФ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим.

Болалар спорти мажмуаларини барпо этиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 5980 таспорт мажмуаси қурилди, бу кўрсаткич 1990 йилда 1825 тани ташкил қилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “2008 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2007 йил 12 декабрь, “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида” 2010 йил 15 март, “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 1 апрель, “Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2010 йил 5 май, “2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 19 январь қарорларининг аҳамияти катта. Ташкил этилган уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари навқирон авлоднинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида муносиб хизмат қилмоқда. 2001 йил 18 майда Жиззах шаҳрида биринчи “Баркамол авлод” ўйинлари бўлиб ўтди. 2000 йили Наманганда илк универсиада ташкил қилинганидан сўнг шу йили Бухорода ҳам бўлиб ўтди. Кейинчалик бу тадбир 2004 йили Самарқанд, 2007– йили Андижон, 2010 – Тошкент,

2013 – Бухоро, 2016 – Фарғона, 2019 йили яна Самарқандда ташкил этилиб, халқаро олимпиадаларга кадрлар тайёрлаб берадиган трамплин вазифасини ўтамоқда. 2022 йил 1 январда мамлакатимизда 254 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ташкил этилди.

Ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари сони 2000 йилда мамлакатимизда 6027 ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 августдаги 472-сонли қарорига асосан 1–4 синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши таъминланмоқда. Кейинчалик буни республиканинг бошқа вилоятларига ҳам жорий қилиш мўлжалланмоқда. Лойиҳанинг мақсади болаларнинг овқатланишини яхшилаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, алиментар-тобе касалликларнинг олдини олиш, академик ўзлаштиришини оширишдир. Мақсадга эришиш учун таълим муассасаларида ўқувчиларнинг соғлом овқатланиши учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш 209 та олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

ОТМ СОНИ	1995	1996	1997	1998	1999	2002	2008	2009	2019	2022
Жами:	57	58	60	60	61	63	65	66	72	209

Ўзбекистонда В.Г.Плеханов номидаги иқтисодий академиянинг филиали, Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети, Москва давлат университети, Сингапур Менежментни Ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Инха университети, Губкин номидаги нефть ва газ институти Тошкент филиали, Вебстер ва бошқа халқаро олий таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

2012 йилда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг Кембридж университети ҳамкорлигида Юқори технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилди. Бунда таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш кўзда тутилган бўлиб, таълим тизимини ислоҳ қилишда давлат асосий бош ислохотчи бўлиши кераклигини кўрсатмоқда.

Ёшларнинг жаҳондаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистонда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 1993 йил 5 ноябрда Қозоғистон Республикаси Президентининг 1394-сонли фармонида кўра “Болашак” халқаро стипендияси таъсис этилди. Ўзбекистонда шу мақсадда 1997 йилда “Умид”, “Устоз”, 2003 йил июлда “Истеъдод” ва 2018 йилдан бошлаб “Эл-юрт умиди” жамғармалари фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бу соҳага катта эътибор берилиб, ахборот технологияларини ривожлантириш диққат марказида турибди. БМТнинг Ижтимоий иқтисодиёт ва бошқарув бўлини маси (UNDP/PEPA) 2022 йилда БМТга кирувчи 191 давлат ўртасида ахборот технологияларининг ўзлаштирилиши бўйича тадқиқотига кўра, интернет саводхонлиги борасида Ўзбекистон 1.10 баллни олиб, 89-ўринни эгаллаган. Бу мамлакатимизнинг ахборот технологиялари асрига жадал суръатлар билан қираётганлигини кўрсатмоқда. Туркменистонда бу кўрсаткич 1.15, Қозоғистонда 1.28, Қирғизистонда 1.01, Тожикистонда 1.00 баллни ташкил этади. Бунда ҳар бир давлатда UNDP/PEPA томонидан а) интернет тармоғида мамлакат ҳукумати доираларининг

мавжудлиги; б) телекоммуникациялар ривожланиши даражаси; в) аҳолининг умумий интернет саводхонлиги омиллари ўрганилган. Ахборот технологияларининг ривож келгусида бюрократик элементларнинг йўқолишини таъминлайди. Ўзбекистонда 2012 йил 1 январдан бошлаб давлат ва жойлардаги ҳокимият хизматчиларининг компьютер саводхонлигини баҳолаш тизими жорий қилинди. 2016 йил сентябрда [pm.gov.uz](http://pm.gov.uz) -Президент порталининг ташкил қилиниши ва 208 халқ қабулхоналарининг очилиши фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқадиган муҳим механизмга айланди. 2018 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматлари марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши фуқароларга турли масалаларда катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда 2012 йилнинг 31 июлда қабул қилинган ҳукумат қарорига кўра “Электрон таълим маркази” фаолиятининг йўлга қўйилганлиги ижобий ҳолдир. 2011 йилнинг декабрида “Ўзбектелеком” АК миллий оператори томонидан қиймати 14,8 миллион АҚШ доллари бўлган “Электрон таълим” миллий тармоғи йўлга қўйилди. Ўзбекистоннинг 83 олий таълим муассасаси биринчи босқичда секундига 1 Гбайт маълумотни етказиш имкониятига эга “Электрон таълим” тармоғи билан қамраб олинди. Мазкур асбоб-ускуналарни Хитойнинг Huawei Technologies компанияси етказиб берди. 2012 йилнинг июлида “Ўзбектелеком” АК билан тузилган 13 миллион АҚШ долларига тенг шартномага асосан Хитой компанияси маълумотлар етказиб бериш тармоғи, видеоконференция алоқаси, мультимедия воситалари ва оптик-толлалари кабелни етказиб берди. Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион АҚШ долларни ташкил этиб, у бюджет маблағлари асосида амалга оширилди.

Ўзбекистонда “Ягона дарча” (One window) марказларининг ташкил этилганлиги ижобий ҳолдир. Бу хизмат тури орқали жойларда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, оқова сув корхоналари, иссиқлик манбаи, электр ва газ учун тўловларни қабул қилиш ва аҳолининг аризаларини кўриб чиқиш имконияти яратилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. J. Astrup. 2020 Third-party monitoring of child labour and forced labour during the cotton harvest in Uzbekistan. International Labour Organization. –Geneva. 2021. P. 71.[https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_norm/---ipecc/documents/publication/wcms\\_617830.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---ipecc/documents/publication/wcms_617830.pdf). 2018.
2. [Lex.uz/pages/Get.Act.aspx?lact\\_id=213568](https://lex.uz/pages/Get.Act.aspx?lact_id=213568) “Обод турмуш йили” давлат дастури
3. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>



<b>Ш.РАМАЗАНОВА.</b> Основные способы русского композитообразования (компози́ты-сращения).....	124
<b>У.ТАДЖИЕВА.</b> Мақоллар тилшунослик соҳасининг ўрганиш объекти сифатида...	130
<b>С.Б.КАРИМОВА.</b> Адабиёт ва тиббиёт уйғунлиги масаласи .....	136
<b>С.ОЛИМЖОНОВ.</b> Эрих Мария Ремарк ва Улуғбек Ҳамдам романларида услуб масаласи .....	142
<b>У.АБДУРАҲМОНОВА.</b> Шоир Эшқобил Шукур асарларидаги лирик образлар, метафора ва истиоралар таҳлили .....	149
<b>М.Ш.МУХТОРОВА.</b> Шафоат Термизий шеърларида табиат ва инсон муносабати.....	154

## *Фалсафа*

<b>Х.Х.РАХМАТОВА.</b> Нақшбандия таълимотида мураса фалсафасига доир тушунчаларнинг таҳлили .....	159
<b>Д.Ҳ.ҚОДИРОВ.</b> Қушайрий фалсафасида икки фан муқоясаси.....	165
<b>А.Қ.ШИРИНОВ.</b> Ўзбекистонда инсон тараққиёти режаларини амалга оширишдаги ислохотлар .....	172
<b>Н.А.АЛИМАТОВА.</b> Янги Ўзбекистонда рақобат муҳитини ривожлантириш тенденциялари .....	177
<b>Л.М.ХОЛИҚОВ.</b> Ўзбекистонда миллий-маданий марказлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	185
<b>Х.М.ИСМОИЛОВА.</b> Фарғона водийсида оила ва қадриятлар тизимининг миллий ментал хусусиятлари.....	190

## *Тарих*

<b>З.Э.ХАЛИЛОВА.</b> Ўзбекистонда ислом дини таълимини тадқиқ этишда тарихий конструктивизм муаммоси .....	195
<b>У.Х.ГУЛМАТОВ.</b> Ўзбекистонда темир йўл транспортини электрлаштириш тарихи.....	203
<b>Т.Э.МАМАТҚОБУЛОВ.</b> Тофиқ Нежефлининг “Озарбайжон Сафавийлари империясининг Туркистон хонликлари билан сиёсий алоқалари” китоби таҳлили.....	209

## *Техника*

<b>Б.М.ТОЖИБОЕВ, М.Х.ХУДАЙБЕРДИЕВ, Р.Ғ.ТЎХТАСИНОВА.</b> Қисмий прецедент тамойиллари асосида ер юзаси тасвирларини қайта ишлаш алгоритмлари.....	214
<b>М.Х.ХУДАЙБЕРДИЕВ, Р.Ғ.ТЎХТАСИНОВА.</b> Ерни масофадан зондлаш тасвирларини дастлабки қайта ишлаш технологиялари ва алгоритмлари .....	220
<b>Х.Н.ШЕРМАТОВА.</b> Ер ости кон ишларида кон машиналари ҳаракатланишининг навигация тизимини таҳлил қилиш ва синтезлаш учун симсиз алоқа қурилмалари билан компьютер ўртасидаги алоқани таъминловчи алгоритм.....	226
<b>А.М.МУХТОРОВ.</b> Оптимизация и повышение эффективности веб-скрапинга с использованием асинхронных инструментов языка программирования Python.....	233



**Масъул муҳаррир:**

Г.А.Мардонова

**Таржимон:**

З.Т.Бобоева

**Корректорлар:**

Д.Абдуқодирова

У.Тойчибоева

С.Кисляк

**Техник мутахассис ва дизайнер:**

А.А.Назаркулов

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими  
(электрон журнал) 2023 йил сентябрь оyi сони №09 (47)

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42.



UZNA | O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi